

Халқ Сўзи



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

20 декабрь, жума, 1996 йил
Сотувада эркин нархда. № 257 (1509)

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритаётган Фаргона механика заводининг «Ивтрэктордеталь» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Бу ерда деҳқонларимиз меҳнатини энгиллаштирувчи бир неча хил янги агрегат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «КВФ-2, 8» русумли тик айланма ҳаракатли культиватор сабзавотчилик, боғдорчилик ҳўжалиқларида ер майдонини экин учун тайёрлашда қўл келади. Ундан плёнка остига чигит экиладиган майдонларда ҳам фойдаланиши мумкин.

Р. КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 декабрь кунин республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон матбуоти олдига турган энг долзарб вазифалар ҳақида гўхталар экан, мамлакатимиз истиқболи, истиқлоли ва раванга миллий онг ва тафаккурнинг шаклланиши, халқимиз гурури ва аймон-эътиқоднинг қай даражада мустақамлигига ҳам ҳар жиҳатдан боғлиқ эканини таъкидлади. Президент жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган айни шароитда маънавиятни мустақамлаш ҳамда маърифатпарварликни кенг тарғиб этиш лозимлигини ва бунда матбуотнинг ўрни алоҳида эканини қайд этди.

Матбуотни демократлаштириш ҳақида сўзлар экан, Президент оммавий ахборот воситаларида холис танқидга алоҳида эътибор берилиши, барча, айниқса, раҳбар шахслар танқидга бардошли бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Сўхбат чоғида жамғарма фаолиятини янада жонлантириш, унинг «Хуррият» номи янги газетасини нашр этиши, миллий матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Уткир Раҳматов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст ва Президент девонини қўшидаги Ахборот маркази раҳбари Абдуқайиқ Қўчимов иштирок этди.

(ЎЗА).
СУРАТЛАРДА: қабул пайти.
А. ТўРАЕВ
олган сураатлар.

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ ШАРОИТИДА

Барқарорлик ва аниқлик. Ўзбекистондаги ислохотлар йўлини бу мамлакат етакчиси Ислам Каримов айнан шундай тавсифлайди

Биз «Палев» халқаро нашриётида «XX аср дохийлари» туркумида республика Президентининг қаттагина асари босиб чиқарилгани ҳақида хабар берган эдик. Мана, ордан бироз вақт ўтди, «Стабильность и реформы» китоби муаллифи бу орада ҳаётга нимагиларни татиқ қилганини қислаш, айниқса, қизиқарлидир.

Шуни қувонч билан қайд этиш лозимки, кўп нарса татиқ қилинди. Бу яна шунинг учун ҳам қувонарликки, МДХнинг бутун ҳалси ҳудудиди бирон-бир республикада аниқ, узоқ муддатга мўлжалланган, энг муҳими эса — эълон қилиниб, жамият томонидан маъқуланган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар концепциясини топиш қийин. Ўзбекистонда эса бундай концепция бор.

Президент Каримов 1990 йилдаёқ эълон қилган бу концепция ҳар бир фуқаро учун тушунарлидир. Чунки у санаб чиқиш, на жой, на вақт талаб қиладиган бешта оддий тамойилга асосланган. Бу — иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, «фалаж қилиб доволаш»дан қочиш мақсадида ислохотларни изчи ва босқичма-босқич амалга ошириш, давлатнинг бунда ислохотчи ҳамда янги жамиятнинг ҳуқуқий асосини барпо этувчи куч сифатида бош ўринни тутиши, ўтиш даврининг барча қийинчиликларини зиммасига тушган аҳоли муҳофазаси бўйича кучли ижтимоий сиёсат ва ниҳоят, Ўзбекистоннинг жаҳон учун очлиги, унинг жаҳон халқ ҳўжаллиги ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга аста-секин қўшилиб боришидир.

Ислам Каримов янги йўлни ўзи учун янада лўн-диро қилиб, яъни: «Янги уйни қурмай туриб, эски уйни бузмастик керак» деб белгилаган. Халқ донолиги хазинасидан олдинган бу ҳақиқат сўнгги йилларда юз бераётган ўзгаришлар йўналишини белгиловчи мезонга айлиб қолди.

Бир пайтлар СССРнинг марказдан туриб «боқилдиган» республикаси бўлган Ўзбекистон эндиликда фақат ўз ресурс ва имкониятларига суянадиган мустақил давлат бўлиб қолди. Шу даврда у иттифоқнинг «пахта цехи»дан иқтисодиёти ўзи

учун етарли бўлган, ҳеч қандай давлатдан қаралор бўлмаган ҳамда бюджет камомати ички ялпи маҳсулотнинг 3,5 фоизини ташкил этадиган (1995 йил) республикага айланди. Бу ердаги сиёсий барқарорлик ва халқаро андозаларга мос келадиган ҳуқуқий асослар Ўзбекистонга йирик капитал маблағларини жалб этмоқда. Барча маънода ҳам ҳақиқий «олтинга қон» бўлган бу минтақадаги алоқсиз ер ости ва табиий бойликларини ўзлаштириш бўйича халқаро тендерларда иштирок этаётган хорижий сармоядорлар кўпинча бир-биридан олдинга ўтиб олишга интиломоқда.

Кейинги 5-6 йил ичида қилинган ишларни шунчаки санаб чиқишнинг ўзи ҳам жуذا кўп жойини эгаллайди. МДХ маълумотномаларида Ўзбекистон кўпинча қарақлар ва маълумотлар устунининг тепасида туради. Саноат саклаб қолинди ва ривожлана бошлади, унинг автомобилсозлик, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, пластмасса, озуқа эканлари ва галла ўрадиган техника ишлаб чиқариш, олтин қазиб олувчи ноёб технология ва бошқа талаб янги тармоқлари пайдо бўлди. Бир пайтлар тўлалигича иттифоқ дастурхонига қарам бўлган қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотлари еттиштиришда ҳам ана шундай ўзгаришлар бўлмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон ўз байроғи, мадҳияси ва Конституциясига эга бўлиши билангина эмас, мустақилликнинг барча белгилари мавжуд бўлган давлатга айланди.

Шунинг учун ҳам, мана китоб, мана ҳаёт, мана тақоснинг ўзи ҳам голларнинг ҳаётлигини даволат беради. Тўғри, ҳали ҳамма нарса ҳам кўнгилашдек эмас, ҳаёт ҳам ўзининг гоҳида анча сезиларли тузатишларини киритиб турибди. Турадил, ўғри ва таъмағирлар, соҳилдан қўрқадиган мансабдорлар, ўтиш даври қийинчиликларидан фойдаланиб, яхши яшаб қолиш ишқибоз-

Узбекистоннинг ишлар ва воқеалар гирдобига қайнаётган биринчи Президенти, жаҳон ҳамжамиятига ҳозирги замон сиёсий оламида энг ёрқин етакчилардан бири бўлиб танилган бу киши жуذا оддий, лекин кўл етмайдиган нарсани: маълум иш қилини, таълимни, нафас ростилашни оруз қиладди. Лекин Ўзбекистон Президентининг жўшқинлиги бунга ҳам қўломайди. Чунки беқорчилик, фаолиятсизлик унга бутунлай ётди.

Рустем ТЭЛЛЬ,
Тошкент.
(«Рабочая трибуна» газетасининг 1996 йил 6 декабрь сонидан).

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТЛАР

ТОКИО. 19 декабрь. (ЎЗА махсус мухбири Уктам Мирзаев хабар қилди). Токионинг «Жосуй хаикан» саройида «Ўзбекистон-Япония» — «Япония-Ўзбекистон» иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг учинчи қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси раиси жаноб Кумагаи кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон делегациясини Япония туپроғига ташрифи билан қўтлади. Бугунги маросим бундан қарий уч йил аввал, Президент Ислам Каримовнинг кунчиқар мамлакатига расмий ташрифи пайтида асос солинган эгу ишлар самараси эканини алоҳида таъкидлади. У Президент Ислам Каримовнинг япон тилида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» китобининг махсус нусхасини мамлакатимиз Бош ваъри, «Ўзбекистон-Япония» иқтисодий ҳамкорлиги қўмитаси раиси Уткир Султоновга топширди. Ўзбекистон делегациясини раҳбари мамлакатимиз билан Япония ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик ёрқин истиқболга эгали-

гини таъкидлади. Мустақилликни мустақамлаш йўлига илгариллаб бораётган Ўзбекистонга ёрдам қўлини чуваётган Япония ҳукумати, Япония сармоядорларига ва ушбу конференция ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдириди.

Шундан сўнг соҳа мутахассислари Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоқларини замонавий талаблар даражасига қўтариш, ҳаво йўллари, темир йўл, сўзбўлик соҳаларида хизмат қўриатиш борасида ҳамкорлик қилиш юзасидан фикрлашди.

Икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг учинчи йиғилиши юксак самияда ўтди. Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли ҳужжат имзоланди. Шу кунги республика Бош ваъри Уткир Султонов Япония молия ваъри Ш. Накамуря, Япония транспорт ваъри Мамото Кото билан ҳам урчашди.

Ўзбекистон делегациясининг Японияга сафарига давом этмоқда. (ЎЗА).

КИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақдими бинаоан, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев шу йил 24-25 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Биринчи қақирақ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси олдидан

БЮДЖЕТ: ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш Олий Мажлисининг яқинда бўладиган сессияси кун тартибидида энг муҳим масалалардан биридир. Бунга ушбу ҳужжатнинг тўлиқ номидан ҳам англаш мумкин: «Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истиқболи ва Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Давлат бюджетини». Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари бўйича қўмитаси раиси А. АҲАДОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бугунги кунда биз ўзининг тарихий манбаларини қайта кўриб чиқишимиз керак. Давлатимиз бюджет XIV асрда, Амир Темур бобомиз даврида ишлаб чиқилган эди. Тақдослаш учун айтиш мумкинки, Англия ва Франция бюджетлари XVII асрда қабул қилинган.

1996 йилда, умуман мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида барқарорликка эришилди. Келаси йил иқтисодиётнинг кўтарилиши ва халқ фаровонлигининг юксалиши даври бўлиши лозим. Бюджет айнан шу мақсадларни қўламоқда. 1997 йил бюджетини устидан ишлашга аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, йилнинг иккинчи ярми бошидан оқиб киришилди ва у муфассал, кўпга кўриб чиқилди. Бюджет Молия ваърида янги йил ишланди. Ҳар бир рақам йўл қўйилган хатоликлар ҳисобга олинган ҳолда таҳлил этилди. Унинг лойиҳаси Олий Мажлис қўмитасига барвақт тақдим этилди ва бу ерда ҳам макроиқтисодий кўрсаткичлар нуқтан назардан жиҳдий кўриқдан ўтди. Шунингдек, лойиҳа бошқа қўмиталарга ҳам киритилди, яъни унинг муҳокамасида мутахассис ва депутатларнинг кенг доираси жалб этилди. (Давоми 2-бетда).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимиз Президентининг Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонларига сазовор бўлган эди.

19 декабрь кунин Аброр Хидоятлов номидидаги ўзбек давлат драма театрида ана шу мукофотларни топширишга бағишланган йиғилиш бўлди. Уни маданият ишлари ваъри Х. Жўраев очди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов бир гуруҳ санъаткорларга ана шу мукофотларни топширди.

У мукофотланганларни табриқлаб, улар республикада маънавият ва маланиятни юксалтиришда янада жонбозлик кўрсатиб, самаларини (Давоми 2-бетда).

ИБРАТ МАКТАБИ

ТАРИХНИ ТИКЛАШ—САВОБ
Биз бугун ўзимизни англаш асарида қадим қўйилди. Бунинг барчаси эркилик, мустақиллик меваси. Юрбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг тўрт йиллиги тантанасида юракдан чиқариб айтган юкоридида сўзлари қаттаю кичиксини бирдан ҳўшёр тортирди. Кун тартибига ўта муҳим, насимизнинг ҳаёт-мамонтини хал қиладиган масала қўйилди. Қўриб турибдики, яшаш фақат тирикчиликдан иборат эмас экан. Маънавият, маърифат ҳақида сўз борганда ҳам,

бош гап оилага бориб тақалади. Юрбошимиз қўйган муамма—оила мустақамлиги деган сўзнинг бунин ағза расийиб қолди. Бош илдизга урув берилди. Айталик, оила мустақам, пинч-оёйишта оила мустақам. Қорин тўқ, там йўқ, дегайиларек. Аммо насимиз-чи? Бу мустақамликнинг қон томири тозами?

Эртага, ҳа, эртага катта қарвон юрган йўллардан кимлар ўтати? Бунчалик жонфиоликликлар нима учун қилинган? Фарзандларимиз тушунмаганими? Биз ушбу қийинчиликнинг аён қилиб берайилми? Мен қийинлик туғайли биз донишманда боболаримизни қайта танибик. Рўҳини шод эдик. Тарихни тиқлаш саовоб. Бироқ ийгириларчи асрининг ўз донолари, биландоқлари бор. Улар—бизнинг боболаримиз. Утмишдашларчи ҳам, кеча бизни тарқ этдиларини ҳам қай биримизга ақлод бўлган. Наслу насабимиз тушган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISIGA SAYLOV UTKAZUVCHI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси 103-Заркент ҳамда 130-Янгиер сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларини сайлаш бўйича 1996 йил 15 декабрь кунин ўтказилган сайловнинг натижаларини кўриб чиқди.

Овоз беришда 103-Заркент округи бўйича рўйхатта киритилган 45936 сайловчидан 45875 нафарни ёки 99,9 фоиз иштирок этди. Шулардан 45863 киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 99,9 фоизини Жаббаров Тўлқин Отахонович номзодини ёқлаб овоз берди.

130-Янгиер округи бўйича рўйхатта киритилган 44459 сайловчидан 43719 нафарни ёки 98,3 фоиз овоз беришда иштирок этди. Шулардан 43144 киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 98,6 фоизини Исмоилов Уктам Қўчқорчиқ номзодини ёқлаб овоз берди.

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладди

«АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК»
Андижонда «Аёл ва саломатлик» маълумоти республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Семинарда республика Бош ваърининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қўзлар қўмитаси раиси Дилбар Ёлмова «Аёл саломатлиги жамият саломатлиги негизини ташкил қилиш» мавзусида маъруза қилди.

Илмий-амалий семинар иштирокчилари оғалик ва бошлиқини қўриб қўлиш ва унинг ҳуқуқий асослари, оилани мустақамлаш ва хотин-қўзлар баъиллигини таъминлашда ҳўкимчилар олдига турини вазифалар, ислохотлар даврида хотин-қўзлар меҳнати ва саломатлигини муҳофазасида қасбда уюшқачларининг ўрни ҳақида фикр алмашди.

Анқумчида мустақиллик йилларида республикамизда аёллар, болалар саломатлигини мустақамлаш мақсадида ишлаб чиқилган дастурларнинг бажарилиши яна бир бор таҳлил этилди, йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонларини бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ
Республика Кинотеатрлар уюлида «Ўзбекистон» давлат ҳиссадорлик компаниясида яратилган «Буюк Амир Темур» баъдин фильмнинг жамоатчилик тақдим этиш маросими бўлди. «Ўзбекистон» компанияси раиси Т. Юнусов маросимни очар экан, мажур асар ўзбек кинотеатрларининг соҳибқирон таваллуфининг 660 йиллигига муносиват соғваси бўлиб, кинотеатрларнинг биринчи фильм эканлигини таъкидлади. Сценарий муаллифларидан бири, атоқли олим Б. Аҳмедов, фильм режиссёри И. Эргашев буюк бобокалонимизнинг ёшлик йиллари, Мовароуннаҳрнинг тиқлаш ва бирлаштирилиш йўлидаги дастлабки қўлавлари тўғрисида ҳикой қўлувчи ушбу картинанинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берди.

Янги фильм премьераси пойтахтимизнинг Алишери Навоий номидидаги Санъат саройида ҳам бўлиб ўтди.

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ
Республика Уқувчилар саройида Қозғистоннинг мустақиллик кўнига бағишланган дўстлик кечаси ўтказилди.

Бу ерда халқлар дўстлиги, қардошлиқ ва биродарлик мавзусидаги тадбирларни ўтказиш ағна-ағнага айланиб қолган. «Туркистон — умумий уйим» шiori остида ишонланганидан бундай анжуманларда Марказий Осиё республикаларининг мамлакатимиздаги элчи-хоналари ва қардош халқлар маориф тизими вакиллари иштирок этди. Навбатдаги дўстлик кечасида ҳам Жанубий Қозғистон вилоятидан, Тошкент вилоятидан қозоқ мактабларини вакиллари иштирок этди.

ҲАМКОРЛИК КЎЛ КЕЛМОҚДА
Республика яратар маънасида иштирокчи институтда вакиллик ва эпидемиологиянинг бугунги кундаги долзарб масалаларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди.

Мамлакатимизда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш борасида салмоқли ишлар амалга ошириломоқда. Жўмалдан, кейинги йилги йил ичида аҳоли ўртасида полиомиелит, дифтерия ва янги эъланган касалликларга қарши янги эъланган вакцина ва у катта самара беради. Бунда, албатта, турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, жаҳон таърибасига таяниш қўл келиди. Хорижий ийрик дорихўналар фирмалари билан алоқа ўрнатиш эса бу боралда кенг қамровли ишқибоз дастурини амалга оширишга имкон яради.

Семинарда эълан турларини бўйича муношулотлар ўтказилди. Унинг қатнашчилари юқумли касалликларга қарши таърибланган илми препаратлар билан танишдилар.

«ЭЛЕКТРА» — САҲНАДА
Аброр Хидоятлов номидидаги давлат драма театрида жаҳон мумтоз адабиёти йирик намоёниси Софоклнинг «Электра» драмаси илк бор кенг жамоатчилик ҳўкмата ҳавола этилди. Қадим ҳукми афсоналари асосида яратилган бу тамошнинг муҳлислар қўзғин кўтиб олди.

Нега айнан шу асарга мурожаат қилинган кўнчиликни қизиқтиради керак. Ҳозир дунёнинг айрим мамлакатларида уруш туғайли қон тўқилган. Мамлакатимиздаги қадрини билши учун ҳам ана шундай асарларни намойиш этиш лозим. Агар оилада салоқат бўлмаса, эр-хотин орасида меҳр-муҳаббат йўқолса, ёвузлик ва гаразгуликка йўл қўйилса, қандай оқибатларга олиб келишини одамлар кўрсин.

«ОИЛА ТАҚВИМИ»
Янги йил арафасида «Ёзувчи» нашриёти «Оила тақвими»ни чоп этди. Ўзбекистон иқтисодининг беш йиллигига бағишлаб чиқарилган янги тақвим миллийлик, маданият ва қадриятларига оид материаллар қўлини билан амалга қўйди. Унда улуғ аждоқларнинг ҳаёти ва фаолиятини эритишга катта аҳамият берилган. «Соҳибқирон ўғилларни», «Жавоҳирот сийоши», «Улуғ зотлар ҳаёти», «Кайҳонда қайларини руқилари шулар жўмаландилар.

Тақвимда мустақилликнинг равангаки йўлида амалга оширилоётган ишларга ҳам кенг ўрин берилган. Материалларда бозор иқтисодиёти, ислохотлар жарёнида қўлга киритилган ютуқларимиз тўғрисида ҳикой қилинди.

Тақвимдан, шунингдек, фойдаланиш масалалар, бола-болалар учун жаҳон эртак, лойиҳа ва топшироқлар каби қизиқ асарлар ҳам ўрин олган.

Сабагимиз жонкуярлари

Пешқадам ижодкорлар нафақат миллат фахри, балки унинг маънавий салоҳиятини сарҳисоб этишда ҳам маълум бир мезон бўлиб хизмат қилади.



Дарвоқе, у — сермахсул ижодкор. Турли соҳаларда кўпхўб ёзади. Лекин унинг асарларида тақдор, сийқаси чиққан йўл-йўриқлар асорати сезилмайди.

дан ёки ечим чигал бўлган жумбоқчи йўларда ўз имкониятларини синаб кўришдан толмайди. Бу ўринда «Ҳажнома» ораториясининг юзага келиши билан боғлиқ бўлган воқеаларни эслаш мумкин.

«ОЛТИН ДЕВОР» -- ПОКИСТОНДА

Лоҳур шаҳри Покистоннинг йирик маданият марказларидан биридир. Бу ердаги Алҳамро театрида атоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедиясини машҳур режиссёр Мақсуд Юнусов саҳналаштироқда.

Иброҳим таржима қилган. Саҳна безакларини расом Мақсуд Хусайн ишламоқда. «Гура паблишарс» нашриёти эса шоирнинг 60 йиллик юбилейи арафасида «Олтин девор»нинг тўна наشريни оммавий нусхалда босмадан чиқарди.

нинг Ўзбекистондаги Фанкуллода ва Мухтор элчисини Шафқат Али Шайх сўзбоши ёзган. Бу хайрли ишлар халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎЗА).

Унинг сўнгги йилларда яратган йирик асарлари -- «Умар Ҳайём» операси, «Улугбек буржи», «Ноҳира» балетлари, қатор мухикали драма ва симфониялари, «Ҳажнома» ораторияси, «Буюк ипак йўли» деб номланган мураккаб бир жанрдаги йирик саҳна асари (Аброр Ҳидоятлов номли театрда саҳналаштирилган) ҳамда куй, кўшиқ ва романслари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

асарлар мартабаси билан белгилана бошланди. Ўз касбининг муносиб соҳиб эканлигини кўрсатишга қўлир санъаткорларгина давр синовидан ўтиш-

мўмиёга ўралган жасад эмас, балки авлоддан-авлодга ўтдиган жонли жараён ва янгила-ниш наҳидаси. Ота-боболар руҳидоғи куй ва оҳанглар қонга

КАСБИНИНГ МУНОСИБИ СОҲИБИ

Ижода оқил баҳо беришда энг олий ҳакам--вақт, албатта. Мукаддаслигимиз беш ёшга тўлди. Лекин шу қисқа тарихий муқаддас йилда содир бўлаётган маънавий бурилиш соҳиб тузум даврида ўн йилликлар давомида амалга ошириш учун бўлган уринишлардан самаралироқ туюлади.

га муяссар бўлмоқдалар. М. Бақоев замонавий ўзбек мухикасининг ана шундай на-моёндаларидир. Унинг ус-лубига хос бўлган икки жиҳат-ни алоҳида қайд этиш мумкин: биринчиси -- анъаналарга садоқат, иккинчиси -- юксак маҳорат. Бастакорнинг ижод фантазияси узоқ ўқувларга, ҳаёл олинган қанчалар парвоз қил-масин, у она-заминдан ажрал-магани афзал. Мухика ижоди-нини кўп асрилик тажрибаси ҳам бунга гувоҳ. Лекин анъана

сингган бўлмаса, хатдан, қороздан ўқиб олинган билим ва тажриба билан мухика ижодида узоққа бориб бўлмайди. Ортиқча муболагаэси шунга айтиш мумкинки, миллийлик, ўзбек куй ва кўшиқларининг руҳияти ҳақиқатан ҳам Бақоевнинг бутун вужудини қамраб олгандек туюлади. Унинг куй ва кўшиқлари, йирик мухика асарлари худди меҳр булғовидан қайнаб чиқаётгандек. Ижодига бўлган эътиборнинг бошланги-ци ҳам эҳтимол ана шундан-

ер -- она: осмондан ёруғлик ва намлик келмагунча, ер гўймайди -- ҳосил бермайди. Мухикада ҳам шунга қиёсланиб, куй -- она, усул -- ота, деб ҳисобланган. Ижодкор асарларининг усуллари бой ва жозибалики, улар айнан шу ҳусеияти билан бошқа санъатдан ажратиб туради. Ижодкор қиёфасининг яна бир муҳим ҳусеияти -- унинг шижоаткорлигида. У янги, қу-тилмаган соҳаларга кўл уриш-

Отаназар МАТЕҚУБОВ.


ОСИЁ КУБОГИ САБОҚЛАРИ

Қитъа кубоги баҳсларини юртимиз футболсеварлари ўзгача иштиёқ билан кутишган эди. Афсуски, терма жамоамиз аъзолари ўзининг кўпгина сонли мухикаслари ишон-чини оқлашолмади ва эндиликда томошабин-лар қаторидан ўрин олиб, баҳсларни «ой-най-жаҳон» орқали кузатишмоқда.

Терма жамоамиз Осие кубоги баҳсларида нега ўта муваффақиятсиз қатнашди? Биз бунинг батафсил тафсилот-лари ва сабабларига ҳақи яна қайтаемиз. Лекин шу нарса аниқки, терма жамоамиз қитъа кубоги баҳсларида на жисмоний, на тактик, на руҳий жиҳатдан тайёр эмаслиги ураруш-лар давомида яққол кўринди. Уйинчиларни терма жамоага саралаб жалб этиш борисида ҳам уларнинг айни кундаги маҳорати қай даражадалигига қараб эмас, балки қандай тажрибага эгаллиги, обрў ва нуфузига кўпроқ эътибор қаратила-нининг шохиди бўлишимиз мумкинки, бу принцип йил-дан-йилга шаклланиб бораётган Осие футбол майдониде ўзини оқламади. Масалан, еш футболчи Николай Ширшов жамоадолларига нисбатан камроқ обрў-эътибор, тажрибага эга бўла туриб, Осие кубоги баҳсларида бошқаларга қараганда яхшироқ, эгичироқ ҳаракат қилганини бугун кўпчилик мутахассислар эътироф этишмоқда. Демакки, терма жамоамиз таркибини қайтадан тузиш вақти келди. Яна шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, бизда ҳанузгача соҳиб СССР чемпионат-ларида тўп сурган футболчиларимиз халқаро майдонда яхши-роқ ўйин кўрсатади, деган турғун тушунча сақланиб қолган.



Тошкентдаги Олимпия резервлари республика билим юрти спортчилар тайёрлаш борисида мамлакатимиздаги етакчи масканлардан бири. Кўп-лаб машҳур спортчиларни тарбиялаб берган ушбу билим юрти ўзининг 35 йиллик юби-лейини ишонли арафасида тўрибди. 1961 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан соҳиб СССРда биринчилардан бўлиб ташкил этилган билим юрти ўзган давр мобайлида енгил атлетика, футбол, су-заш, қурим сивери спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоаси учун нозаб малакали ўшарни етказиб берди.



СУРАТЛАРДА: Тошкентдаги Олимпия резервлари республика билим юрти ҳаётидан лавҳалар. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Ироқ ва Хитой терма жамоаларининг жисмоний тайёрлиги бироқ бушлиги (айниқса, хитойликларнинг) сезилди. Хитойликларга хос камчиликни Саудия Арабистони терма жамоасининг ўйинида ҳам кўриш мумкин. Лекин саудийлик футболчилар техник жиҳатдан жуда катта маҳорат намойиш этишмоқда. Осие кубоги баҳсларидан футболсеварларимиз учун қола-диган ягона ширин хотира шундаки, Ўзбекистон «ойнаи жаҳон» барча 26 учрашуви намойиш этиб, мухикаслар уй-ига завқ-шавқ ва ўзига хос футбол байрамни олиб кирди. Кейинги йилларда мухикаслар орасида уквусиз футбол телешарҳловчиларидан қониқмаслик қайғиғоти мавжуд эди. Осие кубоги баҳсларини яхшигина шарҳлаган Давлат Турдалиев, Мурад Ризиев мисолида биз янги авлод футбол телешарҳловчилари камол топаётганининг гувоҳи бўлдик.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОВ.

АЖОЙИБ ОЛАМ НОЁБ ВА РАНГ-БАРАНГ ҚЎШИҚЛАР!

Table with 3 columns: Firm name, Address, Phone number. Includes entries for 'Бешёғоч', 'Олой', 'Чорсу', etc.

CD+OK тизимида CD-ROM компакт-дискларнинг энг янги технологиялари қўлланилади. Битта дискда энг замонавий 800 та русча ва 277 та инглизча кўшиқ бўлиб, уларга турли рангларда товланувчи тасвирлар илова қилинган.

SAMSUNG Electronics компанияси Ўрта Осие ва Қозоғистон бўйича дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади. Маҳсулот Алматидаги оморлардан бевосита етказиб берилади.

Самсунг Электроникс Ко. Алмати офиси, Алмати ш., Орбита 3, 52а. Тел.: (3272) 20-55-36, 20-63-05, 20-39-47, 20-48-24. Факс: (3272) 20-12-39.

